

ГЕЛДИМУРОД САДЫМАЛИКОВ, МУЗАФРАР НАУМОВ

Күнгизл бүр
Наво истарап...



ГЕЛДИМУРОД САЙДМАЛИКОВ, МУЗАФФАР НАЙМОВ

КҮНГИЛ БИР НАВО ИСТАР...

Ташкент
«Янги аср авлоди»
2006

Мазкур китоб таникчли санъаткор Абдулазиз Иломов ҳаёти ва ижодига бағышланган. Унда санъаткор ҳануғда хотирилар, ёдномалар үрин олган, шунингдек, санъаткор ўзи ёзсан, басталаган айрим қўшикшарни матни ва нотаси берилган. Уйбу китоб кенг санъатсевар мухлисларга мўлжалланган.

СОФИНЧ...

Санъат шундай бир улуу құдрагки, унинг таъсирида күнгиллар ором топади, тарбиянади, күчланади.

Санъатта юракдан берилган, улуглаган, мұқаддас деб билганның кипигина, унинг марҳаматидан баҳра топади. Дунёда никаникى улуу тұтсанг, сенинг улут бўлишингга йўл очади. Ўз ҳимоясига олади, бағрини очади.

Санъат ҳалолникни, садоқатни қадрлайди. Бир қўли билан санъатнинг, бир қўли билан бошқа бир касбнинг этагидан ушлаган одам бир кун келиб йўлни йўқотади. Нафакат йўлни, балки танлаганини, ўзини ҳам унга кўшиб йўқотади. Гоҳ у, тоҳ бу касбнинг ҳалисини оламан деб, ўтдан чиқиб, сувга киргандар ҳеч қачон элга танилмаган. Эл ундаиларни тан ҳам олмаган. Ҳар бир инсоннинг феъл-атвори, ранг-руйи, ҳатто созу овозида ҳам туғилиб ўсган маскани калта аҳамият касб этган. Алалхус ҳамюргатмиз Абдулазиз Имомовнинг ижодида Ал-Ҳаким ат-Термизий, Зулли Кифил, Бобоқамбарларнинг илохий куч-қудрати яққол сезилиб туради. Сиз дали дарё — Жайхуннинг шоввуллаб, қирғокларига урилиб, мавжланиб оқаётганини, соҳилларида умр гузаронлик қулаётган одамларга руҳий таъсирини бир тасаввур қилиб куринг...

Абдулазиз Имомов «Пайғамбар ороли»даги, уч томонини уч азиз авлие ўраб олган Кафтархона қишлоғидаги, борингки, Ўзбекистонимиздаги ҳар бир дараҳт билан бирга гуллаб, күйларнинг рангини, сўзларнинг таъмини ҳис қилган, кўксидга сайдорқи булбули бор бўлган инсон эди. Унинг учун санват яратганинг буюк незмати, инсонларни ҳайратга солиш, инжа ва зукко муҳлисларнинг дилини, дардини топиб куйлап эса, тириклик белгиси эди...

Абдулазиз Имомов балки тумса, балки фавқулодда салоҳиятили санъаткор, бетакрор қўшиқчи эди. У шунчаки, эрмак учун, ҳангома учун ёхуд саёз давраларни хурсанд қилиш, гулдирос қарсакларни ҷаддириш учун айтмасди. Балки қўшикни бутун борлигини бағишлаб, юрак-бағри тўлиб, керак бўлса, хун бўлиб айтгарди. Худди шуннинг учун ҳам бу қушиклар минглаб одам-

ларнинг қалбига худди нафас йўлларига тоза, мусаффо ҳаво киргани каби, томирларда иссиқ қон кўлириб оққани каби оҳиста-оҳиста кириб боради. Шунинг учун ҳам бу қўшиқлар то ҳануз яшаб келаётир.

Шунинг учун бўлса ажаб эмас, муҳлислар бундан қарий йўн йиллар муқаддам дорилбакоға риҳнат қилган Абдулазиз ИМОМОВНИ юраклар сел бўлиб соғинадилар. Аммо Абдулазиздай санъаткор эндис орамизда йўқ. Бирок бир ёруғ таскин ва тасалли шуки, ундан бир дунё қўшиқлар қолди. Шунистига ҳам шукр қиласмиш.

Агар мусаффо кенгликларни соғинганда, майда фикрларга, тош-посангиси йўқ гапларга ҳушимиз келмай қолганди Абдулазиз ИМОМОВНИНГ қўшиқларини эшита болшаймиз. Шунда гўё олам бир ўзтаргандек, теварак-атрофингдаги одамлар яхшиликка томон буткул юз бургандек бўладилар. Худди шунинг учун ҳам биз дўстимиз Абдулазизни эслаймиз.

Ушбу китобчани ўқисантиз Олмажон Ҳайитова, Бобомурод Ҳамдамовларни дўсти — Абдулазиз ИМОМОВНИ ёдлаб сўзлаган хотиралардан, Раҳматжон Курбонов ва Каримбой Раҳмоновларнинг устозлари ҳақида юрақдан айтган ҳикояларидан во-қиф бўласиз. Бу дунёда энг юксак мукофот, унвонлар элининг назари, унинг кўнгли, юраги эканнитига яна бир бор амин бўла-сиз. Яна бир гап: — агар сиз зур санъатни, зўр қўшиқни, зўр санъаткор — Абдулазизни ҳакиқатдан ҳам, соғинсангиз, ушбу китобчани яна бир бор ўқин! Ул ҳазрат сиз билан албатта ру-ҳан сўзлашади. Айтган қўшиқлари, чөргтан созлари қўлогин-гиз остида ҳамиша янграйверади.

Софинч дегани аспида шунаقا бўлади...

Биз Абдулазиз ИМОМОВ билан 1961 йилда Ташкентда, консерваторияда учрашганимиз, танишганимиз. Абдулазизнунустози Комилжон Отаниёзовга ўхлагиси келими, ёки ўзига ярашага-ни учунми, сочини поки билан қириб-олдириб, чиройли дўппи кийиб юради. У ўрта бўйли, кўзлари ёниб турган, хушрўй ий-гит эди. Унинг яхши бир одати бўлиб:

— Ҳамма сурхондарёлик жўраларини «сен»лаб гагтиради. Унинг бу самимияти ҳаммазга ёқарди. Кейин у бутунлай Комилжон аканинг ансамблига қўшилиб кетди. Менимча, консерваторияда 4-5 йил ўчишга унинг ўша пайтдаги кагта изхора бўлган иштиёқи-ғайрати йўл бермади шекили. Агар Абдулазизжон шу ўзидағи худо берган

Мусиқий иқтидорни олийтоҳда олган назарий-мусиқий билимга қўйилганда эди, ундан буюк бир композитор чикарди. Аммо унинг шу яратиб кетган куй-қўшикчари ҳам ўзининг белтакрорлиги билан мени ҳайратга солади...

Абдулазизжон Сурхон воҳасининг бетакор бастакори бўлиб қолди ва авлодлар хотирасида мангуга қолади.

Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ, Ўзбекистон Ёзувчилар Учиш масининг Сурхончарё вилоят бўлими масъул котиби, доцент.

КЎНГИЛ БИР НАВО ИСТАР...

Жайхун канорида бир мўъжазгина қишлоқ бор. Бу қишлоқ энг қадими, гарихий воқсаларга бой, не-не жаҳонпир-у, не-не удуғ алломаларнинг назари тушган жой. Бу қишлоқ ҳозирда ҳам одамиларнинг назаридан чётда қолаётгани йўқ. Бу қишлоқка қадим-қадимда «Кафтархона» деб ном берилган. Бу ном мозий пешайвонида қолиб кепган, тоза ҳавони ва бир саводхон одамнинг назарини кутиб ётган минг йиллик битикларда бор. Ва яна бу ерда бир неча минг йиллардан буён тўлғаниб, тўлқунила-ниб-қирғоқдарини ёмириб, пишишилаб, кумуштранг қумларни олдига солиб оқаётган дарё — Жайхуннинг сувларини ичаётган тантар, жовмард ҳамда меҳнатсевар одамлар бор. Худо у одамларга араванинг гулчагини сұқса кўкарадиган, ҳар сики-ми олтинга тенг ерларни берган. «Она ер кўшиғи» асарининг муаллифи Менгзиё оға Сафаров билан бўлган бир сұхбат ёдимга тушиди. «Агар Танри ўзига яна бир марта яшаш учун жой-ер танлласа, у албагта, ҳеч иккимасдан Кафтархонани танлаган бўларди. Чунки бу ер-муқаддас ер. Азизлар ўтган, авлийлар яшаган манзил-макон», деган эди. Она еримизни ҳеч ким Менгзиё акачалик севмаган бўлса керак. У улуғ зот асли бу қишилокдан бўлмаса-да, юрагини «Пайғамбар ороли»га, Кафтархонага, кафтархоналикларга берди.

Бу қишлоқда туғилиш, бу қишлоқда улгайиш, меҳнат қилиб, унинг роҳатини кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Дастурхоннинг безаги дунёдаги энг зўр анорлар, эртаци помидор-у болдинлар, олгин ёмбисидай ял-ял ёнадиган лимонлар худди шу қишлоқда етишигирлади. Демак, бу қишлоқ ахли дехкон экан-да, деган тушунча билан чекланманг.

Бу қишилгэдэх номдор полвонлар, зүр мөртгэнлар, күлигүлүс-талар, халкъ меҳрини қозонгтан муаллимлар, эл назари түшгэн раҳбарлар, саҳоват пеша одамлар, энг муҳими, худо берган ширин овозли созанды ва бетаккор бахшилар ҳам бор. Гап яна шундай зүр, бетаккор санъаткорлардан бири — Абдулазиз Имомов ҳақида боради. Биз бугун уни зүр дейишгә, у ҳақда нимадир ёзишга, даврларда у ҳақда фурур билан гапиришгә, Уайтган күшилгэрни айтшишга, у бастилаган күйларни яна уйнок-латиб чertiшига ҳақлимиз. Зүрни зүр демоққа, зүрдан ўрган-моққа, зүрни танимоққа, тан олимкоқ ҳам ҳаққымиз бор. Зүр одамни эл, улус, халик, миллэт зүр десе, гап йүқ. Абдулазиз Имомовни ҳам «санъатда зүр, бетаккор бастикор, овозини худо бергэн одам эди», — деб ҳамма айташы. Үзбекистоннинг булбуллари: — Олмажон Ҳайитова, Бобомурод Ҳамдамов, Раҳматжон Курбонов, Каримбий Раҳмоновтар ҳам унинг зүрлигини тан олишиб: — Азиз акадай санъаткор энди туғилмаса керак, — дейишганини ўз қулоғим билан эшитганиман. У айтган қўшил-ларни ўзларининг репертуарларига киритиш, Азиз акадай бўлиб қўшиқ айтганинни, соz чertгандарни кўп марта кўрганиман. Зўрнинг зўрлиги мана шунда билинади. Абдулазиз Имомов шунчаки қўшик қўйламас, шунчаки тор чertтанэмас...

У қўшиқ айтганда одамларнинг дардини, дилини топиб, меҳр-муҳаббатини қўшиб айтарди. Унинг қўшиклиарини эшит-ганилар яна бир эшитсам, дейди. Абдулазиз ака бошқа айрим санъаткорлар каби «мен бестакрорман», деган эмас. У оддий эди, бу дунёдан одийлигича ўтиб кетди. Унинг номи, айтган қўшил-лари қолди. Биласизми, юксак санъаткорини сўнгти манзилга кузатган кун Кафтархона ҳувиплаb қолди. Унинг севимли шо-гирилари, суюкли фарзандлари, минт бир синовлардан ўтган дўстлари ушса куни бу дунёда энг азиз нарсасини йўқотгандек бўлди. Йўқ, йўқотгандек бўлди эмас, бир умрга йўқотишиди...

Үзбекистон деган, улуғлар яшаган она юртимизда халик сев-ган, таниган, санъатини тан олган, кагта-ю кичик қўшиклиари-ни севиб эшитадиган санъаткорлар кўп. Улар дунёда эзгу нар-са бу қўшик деб билишган. Санъатнинг, қўшиклиниң пирларига айланышган. Комилжон Отаниёзов, Мальмуржон Узоқов, Жўра-хон Султонов, Таваккал Қодиров ва башкалар ўз овози, ўз сози, ўзининг йўли билан танилди, ўзларига ҳайкал қўйишди. Абду-лазиз Имомов ҳам ўз успози, пири Комилжон Отаниёзовнинг

йүлини танлади. Күлни оли. Аввал шогирд эди, сүнгра уста бүлди. Бутун улар орамизда йўқ, лекин улар эзу типакли инсонлар эди. Худо уларни гарibu раҳмат, шоҳистай жаннат қилисин.

— Кунларнинг бирда Бакуга — тор олиш ниятида азим шахарга бордим, — деб ҳикоя қилган эди Абдулазиз ака. — Мусиқа асбоблари сотиладиган аллоҳида бозори бор экан. Тор сотиб ўтирган бир чолга тоҳ у, тоҳ бу торни олиб беринг, деб инжиклик қилдим. Горларнинг қайсиидир камчилигини айтсан, бойнаги чолнинг жаҳли чиқди-да, «сан хардан ўларсан, торни нердан биларсан, лозим топсанг шу торларни од, бўлмаса, гет бордан», — деди. Мен шунчаки бир оддий ҳаридор эмас, Тошкентдан махсус тор олиш учун кептанимни айтдим. Шунда чол курғур ишонмади. Мен торларнинг бирини оддим-да, озарбойжонча куй чалдим. Чол ҳанг-манг бўлди ва: — болажон, айдим айдиг баларсан, — деди. Мен шу ерда, бозорнинг ўртасида тикириб, «Онажон» деган улар севадиган, қадрлайдиган, тингласа, йиглаб тинглайдиган қўшиқчи айтдим. Бозордаги одамлар хайратдан қотиб қолишанди. Чол ўша куни мени меҳмонга олиб кетди ва кечирим сўради. «Сен Озарбойжонда қол, бизнинг боғларнинг булбули бўл», дёя мени Бокуда қолишга давлат этди. Афсус, мен Гермизни унинг қадри баланд одамларни, дўстларимни ҳеч нарсага алмаштиргим келмади. Ўша Бокудан кептирган торни буун ҳеч ким чертмаяпти. У ўз соҳибини, Абдулазиз акани бир бурчакда соғиниб ётибди. Унинг торлари, турли мусиқа асбоблари кўп. Уларни унинг ўнил-қизлари, шогирдлари чалаяпти, қўшиқларини айтиб келишаптали. Усто孜нинг, отанинг руҳларини шод этишмоқда. Аммо эл, халқ, милллат Абдулазиз акани соғиниб яшапти. Бу соғинч бир кунлик, бир ойлик ёки бир йиллик эмас. Бу соғинч мангудир.

1984 йил укам раҳматлик Холмурод ўғли Арслонбекка суннаг тўйи берди. Тўйда Бобомурод Ҳамдамов хизмат қилди. Тўйга якун ясалётганда даврага яна Бобомурод ака чиқди ва:

— Сизларга бир гапни айтиб қўйсанм кўрмандлар. Тўйларнингизга узоқдан санъаткор излаб, чакириб юрмандлар. Кагта санъаткор шу қишлоқнинг ўзида бор. У — Абдулазиз Имомов. Азиз айтган қўшиқларни ҳамма айтотмайди. Азиздайин қилиб ҳамма тор ҳам чёртолмайди. Азизни қадрланлар,

УНИНГ ҲУРМАТИНИ ЖОЙИГА КҮЙИНГЛАР. МЕН УНДАН КҮП НАРСАЛАРНИ ЎРГАНГАНМАН. У АЙТГАН КҮШИҚЛАРНИ СЕВИБ АЙТАМАН. МЕНИ ХУРМАТ ҚИЛСАЛАРИНГ, АЗИЗНИ МЕНДАН-ДА КҮПРОК ҲУРМАТ ҚИЛинглар, ХУДО УНИ СИЗЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН ДЕБ БЕРГАН, — ДЕДИ.

ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ ШУНДАЙ, БИЗ ГОХИДА ЭШИКДАН ОҚЧАН СУВНИНГ ҚАДРИГА ЕТМАЙМИЗ. АБДУЛАЗИЗ ИМОМОВНИНГ ОВОЗЛАРИНИ ЃЭИБ ОЛИШ, У ҲАҶДА БИРОК КИНО ФИЛЬМ ИШЛАШ, ЯХШИРОК БИРОК НАРСА ЃЕЗИШГА БЕЛ БОҒЛАГАН ЭМасмиз. УНГА ҲАГТо БИРОК МУКОФОТ ЁКИ УНВОН ҲАМ БЕРИДИГАНИ ЙЎҚ. АБДУЛАЗИЗ ИМОМОВ МУКОФОТ ОЛМАДИ ЭМас. УНИНГ МУКОФОТЛАРИ БОР: — У ҲАЛҚНИНГ ҲУРМАТИ, БЕТАК-РОР САНЬАТКОРГА БЎЛГАН МЕХР-МУЖАББАТИДИР. БУНДАН ЗЎР МУКОФОТИНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ...

ЭНДИ АЗИЗ АКАНИ ЯХШИ БИЛГАН, УНДАН ЎРГАНГАН, БИРГА ИШЛАГАНЛАРДАН ЭШИТИНГ! У ҚАНДАЙ ОДАМ БЎЛГАН.

ТУЗУМЛАР ЎЗГАРИБ, ҚАСРЛАР ЕМИРИПИШИ, КИТОБЛАРНИНГ ёЗУВЛАРИ ЎЧИБ КЕТИШИ МУМКИН, АММО Қўшиқ АБАДИЙДИР, ЧУНКИ У ОДАМЛАР ЙОРАГИДА ЯШАДИ. АБДУЛАЗИЗ ИМОМОВНИНГ НОМИ ҚўШИК ШИНАВАНДАЛАРИ ВА ХОНАНДАЛАР ТИЛИДАН ТУШМАЙДИ. УНИНГ ДЎСТИЛАРИ, ШОГИРДЛАРИ, МУХЛИСЛАРИ ЖУДА ҲАМ КҮЛ. ЛЕКИН У ҲАҚДА ТУГИШГАН АКАСИ, БИР УМР У БИЛАН БИРГА БЎЛГАН АЖОЙИБ ИНСОН, АБДУЖАББОР АКАЧАЛИК ҲЕЧ КИМ ГАПИРИБ БЕРОЛМАЙДИ:

— МЕН УКАМДАН ОЛГИ ЁШ КАТГАМАН. АБДУЛАЗИЗ 1939 ЙИЛНИНГ 24 ДЕКАБРИДА ТЕРМИЗ ТУМАНИДАГИ «ПАЙГАМБАР ОРОЛИ»ДА ТУФИЛДИ. У БОЛАЛИГИДАН МУСИҚАГА, ҚўшиқиҶА КИЗИКИДИ. БАХТГА ҚАРШИ ҚИШЛОГИМИЗДА БИРORTА САНЬАТКОР ЙЎҚ ЭДИ. КЕЧАГИДАЙ ЭСИМДА, УНИНГ БИРИНЧИ ЎРГАНГАН ҚЎШИГИНИН НОМИ «СОАТИМ» ДЕБ АГАЛАРДИ.

Oқ былакка таққаним
Соатим тилло менинг,
Тилло соатимини берган
Рахбарим доно менинг...

Етти-саккиз ёшларида бигта доира билан ўнлаб қўшиқлар-НИ АЙТАР ЭДИ. ЎШАНДАН БЕРИ ҚИШЛОГИМИЗНИН ГҮЛЛАРИ АБДУЛА-ЗИЗСИЗ ЎТМАЙДИГАН БЎЛИБ ҚОЛДИ. Кафтархона қишлоғида биз-НИНГ МОМОМОЗ ЯШАРДИ. У КИШИНИНГ ёН ҚЎШИСИ НОРҚОБИЛ БОЛ-ЛИЕВ ДЕГАН ЯХШИ БИР ДУТОРЧИ БОБО БОР ЭДИ. У КАМ ХУДОНИНГ БЕР-ГАН КУНИ МОМОМДАН ХАБАР ОЛГАНИ КЕТДИМ, ДЕБ ЎША ЧОЛНИКИГА

келиб, дугор чалишни ўрганаркан. Кейинчалик эса, Авиёкул бахши билан яқындан танишиб, унинг ўнлаб шогирдлари орасида энг суюклисига айланди. Авиёкул баҳши дунёдан ўтас-ганида энг яхши дугорини Абдулазизга беришни хотинита вакият қилган экан...

— Абдулазиз аканинг ижодида устоз саннаткор Комилжон Отаниёзовнинг тасьири қандай бўлған?

— Укам Комилжон акани пирам дерди. Унга сугинарди, ундан руҳий озиқ оларди. У куйлаган қўшиқтарни севиб кўйлар, ҳатто юриш-туриши, сочларни тақир қирдириб, мўйлов қўйишларига ҳам тақлид қиласар эди. Абдулазиз Топшент Давлат консерваториясида ўқиб юрганда у киши билан танишган. Комилжон Отаниёзов уни ўзи раҳбарлик қўлаётган Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Лағзги» ашулла ва рақс ансамблига ишга тақлиф қиласди. Комилжон акани устоз билиб, Хорзамсаз санъатини кўзига суртари. Балки шу сабабдан ҳам Олмажон Ҳайитова, Бобомурод Ҳамдамов, Раҳматжон Курбонов ва Каримбой Раҳмоновларни жуда севиб қадрлар, улар учун маҳсус қўшиқтар ёзтанди.

Абдулазиз ўзи шеърлар ёзиб, ўзи кий басталар эди. У кўшиқ айтса мен унинг овозида ўзгача бир дардни, ўзгача бир нолдани ҳар гал сезар эдим...

Умрининг сўнгги кунлари эди. Якшанба оқшомларининг бирида, «Зангори экран»да дам олиш концертида Раҳматжон Курбонов «Хуморларинг» деган қўшикни Абдулазиз Имомов кути, деб куйлаган эди. Мен учун ўша дамдаги унинг қувончи ни сўз билан ифодалаш қийин...

— Абдулазиз ака нимани ёмон кўрар эди?

— Раҳматлиқ, чиройли, силлик, ҳавойи ёлғонларни ёқтири-мас, нимода соҳатлик бўлса, шуни ёмон кўрар эди.

Абдулазиз Имомовнинг умр йулдоши Шодмонбика Эмино-ва ҳикоясидан:

— Киши ёнида юрган одам ҳақида ҳеч қаҷон ўйламас, ҳатто ҳадрига ҳам етмас экан. Шунча йиллар бирга яшаб, олтига фарзандлик бўлиб, кунлар, ойлар, йиллар ўтган сайнин у кишини энди-энди яқиндан кўриб, таниётгандекман...

У кишининг «нон», «туз», «фарзанд», деган сўзлар билан теппа-тепг турадиган «тор», «куй», «қўшиқ», «шебър» деган доимо тилидан туширайдиган суюкли сўзларини шу қадар согин-

дим-ки... У киши гапирганды күйларнинг рангини кўриб, сўзлар-
нинг таъмини ҳис қилиб тургандек булар эдим...
Мен у кишининг севган ёри бўлганимдан кўра, кўпидаги тори
бўлгим келар, рости, шу ёчдан ясалган буюмга ҳавасим, раши-
ким келарди... Узун тунларни тонгга улаб изход қиласарди, раж-
матник.

«Сўзларниң томири юракда бўлади, шунинг учун ҳам лаз-
затни юракдан бошлаб, ўргаса юракни ўртайди», дерди у. «Бу
дунёна энг баҳти одам ижодкор-санъаткор», дер эди. Нимага
деб сўрасам: «Ҳакиқий санъаткор рўзгорини тирикчилик би-
лан эмас, севти-муҳаббати билан юргизади», деганлари эсим-
да.

Болаларниң санъаткор бўлмоғини чин дилдан истар, орзу
қилар эди. «Кимниң қалбига санъат учкуни гушса, у ҳеч қачон
ёбуз бўлмайди», дерди доим. Кагта ўғлимиз Абдулсаҳинни бо-
лалигидан ўзи билан бирга олиб юаради.

У кишининг вафотидан сўнг англаб етлемки, янги кўшиқ-
лар ижрочига, ижодкорга нимадир бергани билан, ниманидир
олиб, ҳеч бўлмаса сочларига бигтагина оқ солиб кетар экан.

Яхши кўшиқларниң умри узуну, яхши кўшиқларниң
умри эса, қисқа бўлар экан-да...

Ўзбекистон халқ артисти — Олмахон Ҳайитова ҳикоясидан:
Абдулазиз ака нозик табиатли бастакор, ширин забон шоир,
булбул нафас қўшиқчи эди. Шу ўринда у кишининг менга атаб
максус ёзган «Бари гал» қўшиғи қандай дунёга келганини ай-
тиб бермоқчиман. Шоир Залидий қаламига мансуб ушбу шеър-
да «Бари гал» деган сўз йўқ. Аслида шеър мана бундай эди:

БАРИ ГАЛ

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА

Сенсан менинг дилбарим,
Жонимниң жонимни.

Икки жаҳон сарварли,
Кўнглиларинг ҳамонаси.

Юзларинг гул-гулмодир,
Овогинг булбулмодир.

Зулфларинг сунбулмодир,
Тишларинг дур донаси.

*Икъни паризодисан,
Гамгин күнгелим шодисан,
Сен бир шикчынг ўтисан,
Мен фагыр парвонаси.*

*Мен бир мискини гадой,
Сен нозанин хуснда бой,
Киприсинг ўй, қошиңг ёй,
Мен унинг нишонаси.*

*Запапай, охи зоринг,
Дилбарим, олло ёринг,
Бирор сўрса: «На коринг?»,
Бир санам девонаси*

Қаранг, «бари гал» деган сўзиз қўшикни тасаввур қилиб бўладими? Абдулазиз аканинг нозик дидди санъаткор-шоирлиги шу ерда яққол билиниб туриди. Мен унинг ўзи шеър ёзиб, ўзи куй бастилаб, ўзи ижро қилган ўнлаб қўшикнарини била-ман.

Бир пайтларда мукофот бериладиган бўлса, қаерда туғилгани, миллати қаттиқ эътиборга олинарди. Аксарият ҳолларда мукофот беришда санъаткорнинг санъатига, қилган хизматига эмас, бошка томонларига қараларди...

Абдулазиз аканинг севган тори, қайраган қалами, булбул на-фасидан бошка «санъати» йўқ эди... Балки шунинг учун кичкинагина мукофот, оддигина унвон ҳам насиб этмаган унга. Худога шукрлар бўлсинким, санъаткор ҳар хил йўллар билан олган мукофот, унвон билан эмас, санъати ила қадидир.

«Лазги» ансамблида ишлаб юрган пайтларимизда, устоз Комилжон aka билан Абдулазиз асалар ҳамкорликда ўнлаб қўшикнarlarga куй басталаган эдилар. «Кел Гариму», «Санамжон», «Найлар» қўшикнлари шулар жумласидандир...

... Кечагидек эсимда, 1967 йилнинг ёз ойлари эди. Бир куни ишдан кейин 5-6 та бирга ишлайдиган санъаткорлар кинога тушдик. Бизлар билан бирга устозимиз Комилжон aka ҳам бор эди. Ўша кунлари Тошкентда халқаро кинофестивал бўлиб Ҳинд кинофильмларидан «Сангам» намойиш этилаётган эди.

Абдулазиз ака кинофильмдан жуда ҳайратланып чиңди ва яна кейинги сеансга билет олиб, қайтадан шу кинофильмга кириб кетдилар. Эргаси куни филармонияда Абдулазиз ака кечаги томошани күйинни ҳам, сүзини ҳам бузмай ижро қилиб ҳаммамизни ҳайрон қолдирған эди.

Абдулазиз ака билан жуда күп концертларда, гастролларда бўлғанимиз. Ҳар бир одамнинг одамлиги сафарларда билинади. Бир йили, аник эсимда йўқ, Сурхондарёнинг шоличлик учун махсус ихтинослаштирилган бир колхозда концерт бераётган эдик. Пахтакорлар, чорвалдорлар, шиллакорлар, шоликорлар, боғбонлар, ишқилиб, турли касбу турли миллат вакилларидан йигилган бир неча минг одам картага бир сайилпоҳга жам эди. Баланд қилиб ўргатга саҳна курилган. Бахта қарши ансамблимизният бир қисеми, шу жумладан, Комилжон ака ҳам қайси бир сабаб билан концертга қатнашполмаган эди. Қўшиқчилардан Абдулазиз ака билан иккимиз эдик, холос.

Бизлар келишиб концерти икки қисметга бўлдик. Биринчи бўллиб саҳнага мен чиқдим. Комилжон аканинг йўқинигини халқ битмайди. Одамни ваҳм босади... Бирор соатлар 14-15 та қўшиқ айтдим. Иккинчи бўллиб саҳнага Абдулазиз И момов чиқди. Гапларим ёлтон ёки муболага эмас. У ўзбек, туркман, токик, афғон, озарбайжон, ҳинд, рус, татар, корейс қўппикларини шунакар ҳам ёқасини ушлаб қолиши... Шу куни томошабинларни шунакангни сеҳрлаб ташладики, Комилжон аканнинг йўқинини ҳам сезидирмади. Концертимиз узоқ давом этган эди...

...Абдулазиз ака жуда күп тўсиклардан, фаҳат ташки эмас, ички, руҳий тусиклардан ўтиб, баъзан орзу қанотида учиб, баъзан шубҳа исканжасида тўлғониб дунёдан ўтди...

Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти — Бобомурод Ҳамдамов хотираидан: Мен Туркманистонда туғилган ўзбекман, у эса Ўзбекистонда туғилган туркман эди. У 53 ёшида дунёдан ўтди. Бу фоже менинг юрак-бағримни тилди. Ахир бизлар тенгдош, дўст, ҳамкасб эдик. На чора, яхши одамларнинг умри қисқа бўлар экан, табиийки, яхши инсонлар ҳаммага бирдек меҳрибон бўлали, ҳамма учун бирдек куяди. Бу куйиб-ёнишлар умрнинг заволи эканлигини сезмай қолаверади...

Инсоннинг ёши улкайиб, умри ўтган сари, босойб ўтган йўлига тез-тез қайрилиб қарад экан. Айникса, айрим тенгдошларинг оламдан ўтса, одамни қайғу-ғам босар экан. Қилган яхшилигу ёмонликларинги, савобу гуноҳтаринги дилингда тошу тарози қўриб ўлчар экансан. Бегуноҳ ёлғиз парвардигор, бавзан хушнуд жилмайсанг, батъизда ичингни нимадир тимдалар экан...

Абдулазиз билан мен бир пиёладан чой ичиб, бир хонада оғаниндек уч йиљашадик. Унинг ўзига хос қизиг, ажойиб одатлари бор эди. Эрга билан уйғонар, юз-кулини ювга ч, бошқа одамлар-дек нонулитага ўтирасдан купуга ториними, гижжакиними оларди. Доим янги, охирги айтган ёки бошланиб, маромита етмагандек. Кўшиганинни маромита етказарди. Унинг учун ҳаёт кўшикдан иборат эди. Мен Абдулазиздан жуда кўп нарсаларни ўрганганиман, унинг кўшикдарини айтганиман. Мени элга машҳур қилиган кўшик-лардан биря «Елпес»нинг бастакори Абдулазиз эканнинг ҳеч кимга сир эмас. У куй басталаган «Галсин-галсин», «Гўзалсен», «Сўнам бутун» кўшикдарини ҳозир ҳам концертларда севиб куй-лайман.

Абдулазиз яхши бастакор, гўзал шоир, бегакор созандა ҳам эди. Жуда кўп концерларда, тўйларда устоз Комилжон акабининг ёнида доира ҳам чалган. Ўша пайтларда «Лазги» ансамблинин музыка рахҳари бўлиб, ансамбильда фижжак чалар эди. Бизлар биргаликда жуда кўп концерларни, тўйларни ўтказгандар миз. Баъзан жўр овоз бўлиб кўшикдар айтганимиз.

Ўзбекистонда ва Туркманистонда яшайдиган санъаткорлар ичидаги ҳинчда қўшикдарни Абдулазиздек маромита етказиб кўйлаш ҳаммага ҳам насиб қиливермаган...

Пайғамбаримиз Мухаммад саллашоҳу алайҳи вассаллам-нинг Ҳадиси шарифларидан бирида: «Икки куннини бекора ўтказгандан аллангандир» деганлар. Шу нуқтаи назардан олтандабор ўтган бекор ўтган бирор кўшикдада кўрмаган, ҳаммамиз ҳам санъат йўлига болалик орзу-хаваслари билан кирамиз, бу йўлнинг мангулик-умри йўли эканнитини билмаймиз.

Хоразмда яшаб ижод этган шоир Парставнинг: «Ётиб фору деб бошнанадиган бир му-панода дийдаи элдан ниҳондорманд»

хаммаси бор. Шу кўшикни эшигсам, айтсан Абдулазиз кўз

Үнгимга келаверади...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист-Раҳматжон Курбонов ҳикоясидан.

Абдулазиз ака билан илк бора 1976 йилда Хоразм телевидениясида учрапшган эдик. Мен у пайтларда мусика билим юргида ўқир эдим. У кипи «Отимни боғладим бир қора доша» деган ва яна устоҳ Комилжон Отаниёзовнинг 4-5 та қўшиқларини меъёрига етказиб ижро этган эдилар. Ўша пайт мен ҳам қўшиқ айтаман, мен ҳам Комилжон аканинг шогирдиман, дейишга тилим бормай, уялган эдим...

Комилжон Отаниёзовнинг дунёдан ўтганига бир йиллар бўлиб, қўшиқ шинавандаларини қалбидан соғинч оғриқлари ҳали ўчмаган пайтлар. Эртаси куни Хоразмда шов-шув гап бўлиб кетди, ҳамманинг оғзида: «Комилжон ака ўтмабди, кечак телевизор кўрдингизларми?» деган сўздар. Ўша пайтларда Абдулазиз аканинг ташки қўриниши ҳам Комилжон акага жуда жуда ўхшар эди. Шу кунларда Абдулазиз ака ижро қилган «Отимни боғладим бир қора доша» қўшигини айтмаган бирор санъаткор, бирорта талаба қолмаган эди. Қўшиқ шинавандаларининг ихлоси Абдулазиз акага жуда баланд эди. Баъзи бир одамлар Абдулазиз аканинг исмини эсдан чиқартган бўлса ҳам «Отимни боғладим бир қора доша» қўшигини айтган одам-чи» деб эслар эдилар...

Устоз ёзин-қишин тинмай қайнаб ётадиган беминнат булокка ўхшарди. У кипи кўп меҳнат қилиб, заҳмат чекар эди. Бир ўйлаб кўринг-а, битта уч дақиқалик қўшиқни яратиш учун кунлар, ойлар, баъзан эса йиллар излаш, изланиш керак бўлади.

Абдулазиз ака билан сўнгти учрашувларимизнинг биринда қўшиқ, куй, ижод ҳақида узоқ сұхбатлашган эдик. Шунда устоз: «Раҳматжон! Яхши қўшиқ оғтобга ўхшаб одамларнинг қоронғу қалбларига мунаввар ёғдулар сочиб кирмоғи керак. Инсонларнинг кўксисда не-не дарёлар ухлаб ётибди, шуларни уйғотмоққа баъзан бигта қўшиқ сабаб бўлиши мумкин», деган эдилар. Мен ҳам устозга шундай савол билан мурожаат қилган эдим: «Сиз яраттган шундай ажойиб қўшиқларни биламан-ки, уларни айрим ижрочилар ўзим яратганиман, деб дайво қилганинни эшигтганиман. Ҳатто уларнинг айримла-

ри сиз яратган күшилдариңизни ижро этиб, мұкофоту үнвор-
лар олған. Нега бундай кимсаларга бунчалар бефарқ қарай-
сиз?»

Абдулазиз ақа жим бўлиб қолдилар. Аңчадан кейин: «Рах-
матжон, ҳар ким нима қиласа, аввало ўзига қиласи. Ҳар бир ин-
сон сиры-асторини халқдан яхқдан яширомдай-
ди-ку! Ўзи кўриб биллип турибди. Тўғри, мен ҳеч қачон, ҳеч қан-
дай унвон, мұкофотларга интилмадим. Доимо энг юксак унвон
эллининг кўнглида, юрагида деб билдим. Худога беҳад шукурлар
бўлсинким, ижодни энг буюк неъмат, деб қабул қилғанман. Сиз
айтаётган ўша одамлар яратганинг бу марҳаматидан бебаҳ-
радурлар Раҳматжон, сизга қайта-қайта айтаман, шу сўзларим
бир умр қулогингизда бўлсин: ижод-яратганинг энг буюк
неъматидир! Санъаткор учун ҳайратланиш, хайратлантириш
тириклик белгисидир...»

Ўша кечта тонг отгунча кўпик, ижод, умуман, санъат ҳақида
сухбатлашдик. Мен Абдулазиз ақадан бир умрлик доно масла-
ҳатлар олдим. Ўша тун хотираидан ҳеч қачон учмайди. Мен
ўша ўти суҳбатдан сўнг Абдулазиз ақанинг жуда буюк инсон-
лигига ва ёлғизлигига амин бўлдим. Ёлғиз леганим бир ўзи
қолибди degаним эмас, унинг болалари, ака-укалари, дўстлари
жуда ҳам кўп, лекин кўнгли... Бўйдек бўй топиб, кўнглидек
кўнгил топмаган одам экан Абдулазиз ака...

Устоз билан охирги учрашувимиз вафотидан ўн кунлар ол-
дин бўди. У кишини кўргани касалхонанага бордим. Кўл-оёқда-
ри яхши ишламас, тиллари тутилиб, тушунар-тудунилмас
қилиб: «Уч кун бўлии гулшаримга Комилжон ака кирайтилар,
сизни кўриб устозни кўргандек бўлдим. Устозларнинг ишини
давом этгариш савоб, у кишининг руҳлари сиздан шод. Худо
хоҳласа, сизга ва сиз раҳбарлик қилаётган менинг ҳам қадрдон
— «Лаззатга атаб кўп нарсалар ёзиб бераман. Баштаб қўйган
2-3 та кўшиқларим ҳам бор», дедилар.

Шу куни Термиз шаҳрида, шундек касалхонанинг ёнтина-
сида яшайдиган Абдуғани деган дўстимиз тўй қилаётган эди.
Бир яйраб келасиз деб, Абдулазиз ақани ҳам тўйга олиб кет-
дим. Каровотда ёнбоштаб ётиб томопса қилсин, дея устозга
юмшоққина пар ёстиклилар қўйдирib бердим. Тўй жуда чирой-
ли, файзли ўтди. Тўй ниҳоясига етай деб қолганда Абдулазиз
ака, «Билмадим», деган қўпифимни айтиб беришмени илти-

мос қылдилар. Құшиқнан бошлап шым түркістандың күзлариниң юмыб, үринләридан түрди-да, құлларни күтариб ўйнай башлади...

Тандың иесіндең күні
Мекұлон эканың билмадым,
Үтди умрим өздарие
Дағрон эканың билмадым.
Балқы, нодонлик била
Күрдім иморат-үйнин,
Бу шорат охари
Вайрон эканың билмадым.
Уқмадым маълум китобни,
Камта олимдар билан,
Бу китоб әл олдида
Күръон эканың билмадым...

Күшиқнинг ушбу уч бандини ижро қылғандан кейин, Абдулазиз ақа мени күчоклағы йығлаб юборди. Мен ҳам ўзимни тутолмадым, бир-бирымизни күчоклағы күксимизни нам қылдик...
Бу учарапшувимиз энг сүнгі учарапшув эканлигини устоз сезган экан. Үша түйдан 10 күнлар ўтиб-ўтмай совуқ-шум хабар Топкентте ҳам етиб кепди. Мен зудлик билан Термизга үддим. 1992 йилнинг 20 ноябр куни Абдулазиз ақа билан видолашып, дипларимизнинг доғлаб қолавердик.

Қоракалпоғистонда хизмат күрсаттан артист — Каримбой Раҳмонов хотирадаридан:

Устоз Абдулазиз Имомов билан 1986 йил Чоржүйда танишган эдим. Бунга қадар ҳам Абдулазиз ақа яратған құшиқтарни әшигиб, балық бирларини ўзимча айтғып жардым. Абдулазиз ақа үша түйда мен айтған түрт-бешта құшиқни тинглаб туриб, қылған үтіглары ҳали-хануз ёдымдан чықмайды. «Құрқма, овозында эрк бер!» деган әді устоз.

